**Ислом КАРИМОВ:**

**Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!**




# XXI АСР ЎЗБЕК БОЛАЛАРИ

## ВА УЛАРНИНГ ОРЗУ-ҲАВАСЛАРИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Озодликнинг дастлабки кунлариданоқ, Юртбошимиз Ислом Каримов ҳукумат ва жамият эътиборини ёшлар тарбияси, баркамол авлод тарбиясига қаратди. Бизга Кадрлар тайёрлашнинг махсус дастури зарурлигини таъкидлади ва бу дастур яратилишининг ташаббускори ҳамда муаллифи бўлди. Чунки, Юртбошимиз Ўзбекистон буюк келажагини илм-фанни ривожлантириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш тимсолида кўрди. **«Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак»,** деган даъват ортида ҳам ана шу маъно-мақсад ётибди. Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш борасида қилинаётган ишларни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, уларда яратилган шароитлар, қурилаётган янги замонавий мактаблар, энг ривожланган чет элларда таълим олаётган ёшлар...

«Соғлом авлод жамғармаси», Зулфия, «Ниҳол» мукофотлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси... Куни кеча эса мамлакат Президентининг «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бундан буён бу нишон билан энг фидойи, энг фаол, энг истеъдодли ёшлар тақдирланади.

Мустақиллик берган имкониятлар шарофати билан ёшларимиз ўз истеъдодларини намоён этиб, дунёда ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлашмоқда. Фан, санъат, спорт соҳасидаги халқаро танловлар ва мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб, Ўзбекистон номини дунёга таратиб келишмоқда.

XXI аср ўзбек болалари! Улар мамлакатимиз, халқимиз орзу-умиди, эртанги кунимиз, буюк келажагимиз...

Бугун Мустақиллигимиз 12 ёшга тўлаяпти. Истиқлолнинг дастлабки ойида туғилган болалар мустақиллик билан баб-баравар ўсиб, улғайиб бормоқда. Мустақиллик болалари кўнглида бугун қандай орзу-ҳаваслар куртак отмоқда, уларнинг беғубор, жажжи қалблари ўз келажаклари ҳақида нималар деяпти?

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидан — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиз Тошкент шаҳридан 12 ёшга тўлаётган 14 нафар ўғил-қизни танлаб, уларга қуйидаги икки саволни бердик:

***1. Катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?***
***2. Нега айнан шу касбни танлагансан?***

**Орадан яна роппа-роса 12 йил ўтгач, мустақиллигимизнинг 24 йиллик тўйи арафасида биз бугунги 14 нафар қаҳрамонимизни йўқлаб, уларнинг кейинги ҳаётлари ҳақида ҳикоя қилишга қарор қилдик.**

**Тўғри, эҳтимол касб танлаш борасида уларнинг орзулари ўзгарар, кимдир бошқа бир касбни эгаллар, буни ҳаёт кўрсатади. 2015 йилда улар билан яна учрашамиз.**



**Худойберди МИРҲОСИЛОВ, 1991 йил 31 августда Жиззах вилояти Дўстлик туманида туғилган. 14-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Саидазим Рустамов табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси назоратчиси. Онаси — Гулнора Рустамова уй бекаси.**

— Катта бўлсамми?.. Ўқитувчи бўлмоқчиман.

— Нимага деганда... у ҳаммани ўқитади, ўргатади. Кўп нарсани билади. Яна шахматчи бўлгим келади. Америкага бориб ўқигим келади. Яхши одам бўлай дейман...



**Муқаддас САМУҒОВА, 1991 йил 1 сентябрда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Ўқчи маҳалласида туғилган. Чилонзордаги 183-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Неъматжон Мусаев заводда ишчи. Онаси — Муҳаббат Мусаева 8-туғуруқхона ходими.**

— Менми... Ҳимм... Ҳамшира бўлмоқчиман...

— Холамнинг қизлари Дурдона опам ҳамшира бўлиб ишлайдилар. Улар доим оппоқ, чиройли кийимларда юрадилар. Уларга ҳавасим келади...



**Ғанишер НАБИЕВ, 1991 йил 31 августда Наманган вилояти Наманган шаҳрида туғилган. 7-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Алишер Набиев қурувчи-муҳандис. Онаси — Дилдора Набиева боғча тарбиячиси.**

— Келгусида доктор бўлмоқчиман.

— Дилдора аммам катта врач, Тошкентда ишлайдилар. Кейин дунёда энг ёмони — касал бўлиб қолиш. Беморларни тузатишни, оғриқларидан халос этишни хоҳлайман...

*Истиқболга талпинади жажжи юрак,*
*Озодликдан туғилади ойдин тилак.*
*Ватан учун, миллат учун сизлар керак,*
*Истиқлолга тенгдош бўлган болаларим,*
*Эл кўксида чарақлаган лолаларим.*

*Исломдирсиз, Азиздирсиз, Муқаддассиз,*
*Байроғимда ярақлаган ой юлдузсиз,*
*Худойберди, Озодаю Феруза қиз,*
*Истиқлолга тенгдош бўлган болаларим,*
*Эл кўксида чарақлаган лолаларим.*





**Иномжон ЭРДОНОВ, 1991 йил 31 августда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида туғилган. 1-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси. Отаси — Рашид Эрдонов ҳайдовчи. Онаси — Шаҳодат Эрдонова ўқитувчи.**

— Катта бўлсам милиса бўлишни орзу қиламан. Ҳар куни ўртоғим Жаҳонгир билан эрталабдан югурамиз. Милиса кучли бўлиши керак.

— Милисани кийиниши, айниқса ёнида осиб юрадиган тўппончасига ҳавасим келади. У ҳеч кимдан қўрқмайди. Жиноятчилар эса ундан қўрқади...



**Ойсулув МАМБЕТКАРИМОВА, 1991 йил 1 сентябрда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида туғилган. 10-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Сарсенбой Мамбеткаримов уста. Онаси — Тамара Авезова уй бекаси.**

— Онам ўқитувчи бўлгин қизим, дейдилар. Уларнинг ўзлари ҳам ўқитувчи бўлиб ишлаганлар.

— Ўқитувчи ҳаммага ўргатади-да. Кейин ҳамма ҳурмат қилади уни.



**Азизбек ШАРИПОВ, 1991 йил 3 сентябрда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида туғилган. 21-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Ҳусниддин Йўлдошев муҳандис. Онаси — Лайло Нормуродова шифокор.**

— Журналист бўлмоқчиман...

— Телевизорда журналистларни кўрганимда уларнинг ўзини тутишлари, гапиришлари менга ёқади. Ҳозир инглиз тилини ўрганаяпман. Яна компьютер ўргатиш марказигаям қатнайман. Тез орада уларни билиб олсам керак... Кейин мақола ёзмоқчиман.



**Шерзод ХАЛИЛОВ, 1991 йил 1 сентябрда Навоий вилояти Навбаҳор туманида туғилган. 15-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Шерали Халилов, онаси — Ҳалимахон Халиловалар ширкат аъзоси.**

— Катта бўлсам фермер бўлмоқчиман. Ер олиб пахта, ғалла экмоқчиман. Ўзимни тракторларим бўлади.

— Бобом ҳамиша барчамизни ер боқади, дейдилар. Ерга яхши қарасанг кам бўлмайсан, ер одамни боқади, дейдилар. Шунинг учун фермер бўлиб, боболарим ишини давом эттираман.



**Нурислом АБДУВОҲИДОВ, 1991 йил 31 августда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида туғилган. 1-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Комилжон Абдувоҳидов, онаси — Ўғилжон Отаевалар шифокор.**

— Прокурор бўлишни орзу қиламан. Онам ҳам прокурор бўлишимни хоҳлайдилар.

— Чунки, прокурор ҳамма нарсани билади, ҳушёр бўлади. Дадам прокурорлик бўлиш осон эмас яхши ўқиш керак дейди. Мен яхши ўқишга ҳаракат қилаяпман.



**Феруза МИРВАЛИЕВА, 1991 йил 1 сентябрда Тошкент вилояти Қибрай туманида туғилган. 46-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Мирбосит Мирвалиев ҳайдовчи. Онаси — Дилфузахон Мирвалиева ҳисобчи.**

— Таржимон бўлмоқчиман. Яна чевар ҳам бўламан.

— Мен бутун дунёни, айниқса, Жанубий Кореяни, корейс тенгдошларимни кўришни хоҳлайман. Уларга қандай кўйлаклар тикишимни, моделлар чизаётганимни, ўзбекча зўр пишириқлар тайёрлай олишимни кўрсатсам дейман. Корейс ёшлари-чи, роса ихтирочи, шундан уларга қизиқаман-да. «Биз — заминнинг эртасимиз» деган каттадан-катта сўзана тикаман.



**Азизбек ЗУБАЙДУЛЛАЕВ, 1991 йил 6 сентябрда Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилган. Аҳмад Хўжаев номли мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Яшин Абдуллаев муҳандис. Онаси — Гулнора Зоҳидова шифокор.**

— Ҳуқуқшунос бўлсаммикан... Айрим жўраларим «кучинг етмайди», дейишади. Ўқитувчимиз, «бўшашма, яхши ўқи, қўшимча дарсга қатна» дейдилар. Мен ўқитувчимга ишонаман. Қани, ўқийверайлик-чи...

— Ёмон одамларга жазо бераман. Яхшиларнинг ёнини оламан. Кинолардаги изқуварлардек жиноятчиларни қочиб кетгани қўймайман. Излаб топаман.



**Отабек ФАЙЗУЛЛАЕВ, 1991 йил 1 сентябрда Андижон вилояти, Шаҳрихон туманида туғилган. 16-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Исмоилжон Ҳакимов компьютер оператори. Онаси — Насиба Ҳакимова уй бекаси.**

— Ҳоким бўлмоқчиман.

— Бир куни туманимиз ҳокими Муҳаммаджон ака Раззоқов мактабимизга келди. Ўқувчилар билан анча суҳбатлашди. Шунда уларга ҳавасим келди. Бунинг учун мактабда ҳам институтда ҳам зўр ўқишим, тажриба тўплашим кераклигини биламан.

Келажакда ҳоким бўлсамчи, мактабимиздаги ҳамма болаларга кўп китоблар, коптоклар... яна компьютерлар совға қилардим.



**Озода ИНОЯТОВА, 1991 йил 1 сентябрда Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Фитрат маҳалласида туғилган. 8-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Одилжон Иноятов ишчи. Онаси — Саломат Акрамова уй бекаси.**

— Келажакда шифокор бўлмоқчиман. Чунки, оила аъзоларимиз орасида духтир йўқ.

— Бухоро — буюк алломалар юрти. Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Фитрат каби кўплаб улуғ донишмандлар яшаган. Мен айниқса, Ибн Сино бобомнинг авлоди бўлганимдан фахрланаман. Келажакда мен ҳам одамларни даволамоқчиман. Негаки яхшилик қилганни халқ унутмайди.



**Мирзо Эргаш Али ҲАСАНЗОДА, 1991 йил 1 сентябрда Хоразм вилояти Боғот туманида туғилган. 8-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Отаси — Рўзимбой Ҳасанов журналист. Онаси — Раъно Эшчонова ўқитувчи.**

— Сурат чизишга қизиқаман. Келажакда отам касбини эгалласамми деб ҳам ўйлайман.

Расм чизсам одамлар томоша қилади. Мактабимни... ўқитувчиларимни чиройли қилиб чизардим. Агар журналист бўлсам аълочи болалар ҳақида кўп ёзаман...



**Исломбек КАРИМОВ, 1991 йил 31 августда Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида туғилган. «Истиқбол» иқтидорли болалар гимназиясида ўқийди. Отаси — Дилшодбек Каримов (марҳум). Онаси — Шоҳида Каримова ўқитувчи.**

— Бобом, дадамлар дипломат бўласан, чет элларда элчи бўлиб Ўзбекистонимиз шон-шуҳратини оламга ёясан, деганлар.

— Бизнинг маҳалламизга АҚШдан иккита оила кўчиб келган. Вақтинча шу ерда яшаб, бизнинг урф-одатларимизни ўрганишяпти. Улар кўчага чиқишса, таржимонликни мен қиламан. Яқинда эса «Тулки билан хўроз» эртагини инглиз тилидан таржима қилдим.

# ҒАЛЛАКОРЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Айни вақтда эътиборингизни бир муҳим омил — уруғчиликни ривожлантириш борасида эришилаётган натижаларга қаратмоқчиман. Ҳозир экилаётган уруғимизнинг юз фоизи I-II синф талабларига тўла жавоб беради. Ваҳоланки, бу кўрсаткичлар мустақилликка қадар жуда паст эди: 15 фоиз уруғлик I синф талабига, 35 фоизи II синф талабига жавоб берарди, холос.

Ғаллачиликдаги ютуқларимизда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 декабрдаги «Андижон вилоятида бошоқли дон экинлари уруғчилигини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамият касб этаётир. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Андижон вилояти зиммасига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларни сифатли уруғлик билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Қисқа муддатда бу ерда саккиз корхона Германиянинг «Петкус» фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, уруғни тозалаб, саралаб, дорилаб, қадоқлаб бериш имконияти яратилди.

Шунингдек, хориж давлатлардан ўнлаб янги навлар олиб келиниб, синаб кўрилмоқда. Шу мақсадда 1997 йилдан буён Россиянинг Краснодар қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтидан ҳар йили минглаб тонна элита ва суперэлита навлари келтирилиб маҳаллийлаштирилмоқда.

Ғаллачиликда эришаётган ютуқларимиз омилларидан яна бири деҳқонларимиз бошоқли дон етиштириш борасида орттирган бой тажрибада ҳамдир. Кўплаб тажрибали, илғор оилавий пудратчилар, фермерлар ҳосилдорликда юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Масалан, бу йил Наманган туманидаги «Абдуманнон», Ёзёвон туманидаги «Ойдиной», Музработ туманидаги А.Абдуназаров фермер хўжаликларида гектаридан 100-105 центнердан хирмон кўтарилди.

Сўнгги йилларда андижонликлар юқори ҳосил етиштиришда ғаллакорларимизга ўрнак бўлаётир. Улар бу йил гектаридан ўртача 75,1 центнердан дон йиғиштириб олди. Шунингдек, самарқандликлар — 53,2 центнер, Фарғона ва наманганликлар қарийб 50 центнер атрофида хирмон кўтаришга муваффақ бўлди.

Шу ўринда қашқадарёлик ғаллакорлар меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар мамлакатимиз ялпи хирмонига энг кўп — 700 минг тоннадан ортиқроқ ғалла етказиб берди.

Бундай ютуқларга эришишда ғаллачиликда меҳнат манфаатдорлигини рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, қарийб 2,3 миллион тонна ғалла оилавий пудратчи ва фермерларимизга бўлиб берилади.

Ғаллакорларимизнинг бу муваффақияти, аввало, қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топаётгани, энг муҳими, деҳқонларимиз мамлакатимиз дон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётгани туфайлидир.

**(ЎзА)**

# ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### Оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар

**ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши** Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессияси муҳокамасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига бағишланган «давра суҳбати»ни ташкил қилди. Унда Янгийўл шаҳар, Қуйичирчиқ, Чиноз, Янгийўл туманлари партия фаоллари иштирок этиб, лойиҳа юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

**Шу вилоят кенгаши** Зангиота туман партия ташкилоти негизида «Ўзбекистон ХДП ва жамоат ташкилотлари» мавзуида амалий конференция ўтказди. Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги масалалари юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари Т.Файзиев, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимининг раиси Д.Тошмедова, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими раиси Ф.Юнусова, қатор шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари ўзаро фикр алмашдилар. Анжуманда ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов сўзга чиқди.

**Хоразм вилоят партия кенгаши** «N»-ҳарбий қисмда тадбир ўтказди. Унда иштирок этган уруш ва меҳнат фахрийлари аскарларга уруш хотираларидан сўзлаб бердилар, ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Б.Бобожонов Олий Мажлиснинг жорий йилнинг 29 августидан ўз ишини бошлайдиган XII сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар, мамлакатимизда бошланган парламент ислоҳотининг мазмун-моҳияти тўғрисида гапирди. Тадбир сўнгида вилоят халқ ижодиёти уйи санъаткорлари томонидан концерт намойиш этилди.

**ХДП Наманган шаҳар кенгаши** қошидаги «Сиёсат» мунозара клубининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Тадбир «Обод маҳалла йили» доирасида ўтказилиб, клуб аъзолари ва бошқа бир қатор фаол йигит-қизлар ёшлар тарбиясида маҳаллаларнинг ўрни ҳақида мунозара қилдилар.

**Мингбулоқ туман партия кенгаши** «Маҳаллам — фахрим менинг» мавзуида ёшлар ўртасида футбол мусобақасини ўтказди. Мусобақада кўпгина маҳаллалардан жамоалар қатнашиб, ғолиблар туман партия кенгашининг эсдалик совғаларига сазовор бўлдилар.

### Партия ташкилотларида

**Жиззах вилоят партия кенгаши**да ўтган йиғилишда барча шаҳар ва туман партия ташкилотларида ўқув семинарини ўтказиш масаласи кўриб чиқилди. Унда шаҳар ва туман кенгашлари котиблари, партия фаоллари қатнашиб, партия ташкилотларининг «Обод маҳала йили»да жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари, бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш вазифаларини муҳокама қилдилар.

**ХДП Ховос туман кенгаши**да қатор бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирокида ўқув-семинар бўлди. Унда партия МК томонидан Гулистонда ўтказилган йиғилишда ХДПдан сайланган депутатлар ва партия ташкилотлари олдига қўйилган талаблар тўғрисида сўз борди, уларнинг ишини жонлантириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди. Шунингдек, ҳудудий партия гуруҳларини ташкил қилиш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

**Партия Косонсой туман кенгаши** томонидан ҳам бошланғич партия ташкилотларида худди шундай тадбирлар ўтказилмоқда. Косон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудий бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган йиғилишда БПТни ривожлантириш муаммолари ҳақида сўз борди. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби М.Абдуллаева сўзга чиқиб, ХДП ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларга эътиборни жалб этди.

**Норин туман партия кенгаши** томонидан қатор меҳнат жамоаларида ўтказилаётган тадбирларда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари, Олий Мажлис сессиялари ва ХДП МК V пленуми ҳужжатлари кўриб чиқилмоқда. Йиғилишларда туман партия кенгаши биринчи котиби М.Баратов нутқ сўзлади.

---

**Абдулҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига**

# ХЎЖАИ ЖАҲОННИНГ ОППОҚ ТОНГЛАРИ

**Маълумки, бугун кўҳна Бухорода бутун мусулмон оламининг ифтихори бўлмиш буюк ватандошимиз, тасаввуф илмининг йирик намояндаси Абдулҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусан, ҳазрат туғилган Ғиждувонда табаррук тўй муносабати билан барча ёшу қари пиру комил юбилейига ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда.**



### ҚАЙТА ТУҒИЛАЁТГАН ШАҲАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Абдулҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан сўнг ғиждувонликлар зўр ифтихор билан юбилейга тайёргарликни бошлаб юбордилар. Дастлаб шаҳар марказидаги пахта тозалаш заводи ташқарига кўчирилди. Қарийб етти ойда заводнинг янги биноси шаҳар ташқарисида қад ростлади. Эски корхона эгаллаган ўн икки гектарлик майдон ўрнида замонавий бозор бунёд этилмоқда.

— Биз, аввало ишни улуғ бобокалонларимиз — Ат-Термизий, Ал-Фарғоний ҳазратлари туғилган шаҳарларда амалга оширилган ишларни ўрганишдан бошладик, — дейди бозор директори Соли Саидов. — Қурилган биноларнинг меъморий ечимларини таҳлил этиб, шунга кўра, бозорнинг мутлақо янги, олдингиларини такрорламайдиган лойиҳаси тайёрланди. Ҳозирда янги бозорда қурилиш ишлари тезкорлик билан амалга ошириляпти.

Дарҳақиқат, ушбу шарқона бозор дарвозасидан тортиб савдо расталари, харидорларга сервис хизмат кўрсатувчи биноларгача миллий-меъморий безакларга бойлиги, кенг ва ёруғлиги билан бу ерга ташриф буюрганларнинг диққатини тортишига шубҳа йўқ.

— Айни кунларда юбилей объектларининг қарийб ўнтасида қурилиш-таъмирлаш ишлари узлуксиз олиб боріляпти, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Маҳмуд Раҳмонов. — Аввало, шаҳарга олиб келувчи халқа йўллар тартибга келтириляпти. 24 километрли ички ва ташқи йўллар кенгайтирилиб, улар атрофи ободонлаштирилмоқда. Тошкент — Бухоро — Ғиждувон катта автомобиль тракти атрофи гулзорга айлантириляпти.

Шаҳардаги кенг кўламли ишлар билан танишарканмиз, ғиждувонликларнинг ҳамжиҳатликлари, улуғ пирга бўлган эҳтиромлари юқори эканлигининг гувоҳи бўлдик. Шаҳарнинг қоқ марказида беш фаввораli хиёбон барпо қилиниши режалаштирилаётган экан. Ҳозирда қазиш, асфальт ётқизиш, ер текислаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

— Бизнинг бажарадиган юмушимиз қазиш ишларини ниҳоясига етказиш эди, — дейди хўжалик ҳисобидаги мелиоратив қурилиш бўлими бошлиғи Фахриддин Носиров. — Тез кунда жамоамиз зиммадаги ишларни уддалаш арафасида.

Худди шу ерда — эски бозорнинг ёпиқ павильонида қадимий Ғиждувон ҳунармандчилигини кўз-кўз қилувчи марказ — музей ўрин олади. Унинг атрофида беш гектарли сўлим хиёбон юзага келади. Ҳазрат қадамжосини зиёрат қилувчилар шу ердан руҳий покланган ҳолда тавоф қилишга юзланадилар. Шунингдек, улар эски Ғиждувон қалъаси — қўрғонни ҳам асл ҳолича томоша қиладилар.

Маълумки, валийуллоҳ Хожа Абдулҳолиқнинг кўплаб муридлари бўлган. Хожа Лангар Ато ва Хожа Сўфий Чўян каби мўътабар зотлар ҳам ҳазратнинг муридларидан бўлиб, улар ҳам айнан Ғиждувонда мангу ором топган.

Хожа Лангар Ато қабри узоқ йиллар оёқости қилинган, қаровсиз қолган эди. Мана бугун хожанинг қабрлари устида мақбара тикланиб зиёратгоҳга айлантириляпти.

— Биз беш оға-ини усталарга мақбарани тиклашдек савобли иш берилганидан мамнунмиз, — дейди уста Тельман Муродов. — Лангар Атонинг руҳларини шод этсак бас. Бизнинг фарзандлик бурчимиз, унга бўлган ҳурмат-эҳтиромимиз ҳам шу-да.

### КЎҲНА ҲОВУЗНИНГ КЎЗИ ОЧИЛДИ

Улуғ аллома Абдулҳолиқ Ғиждувоний туғилган, ўша даврда Ҳазорнур деб номланган мавзе Пермаст рудининг қуйи қисмида бўлиб, атрофи хушҳаво, жаннатмакон жой саналган. Ҳазрат вафотидан кейин бу маскан Мирзо Улуғбек раҳнамолигида янада обод этилган, мадраса, саккиз қиррали катта ҳовуз, тош ҳаммом қурилган.

— Шу билан бирга, — деб ҳикоя қилади тарихчи Шавкат Нарзуллаев, — Бухоро ҳукмдори Абдуллахон Хожа Абдулҳолиқ тиклаган, мўғуллар томонидан бузиб ташланган минора ўрнида чоғроққина минора ҳамда намозхонлар учун масжид қурдирган. Собиқ иттифоқ даврида эса Хўжаи жаҳон мақбарасини зиёрат қилиш умуман тақиқланиб, тарихий обидалар топталган, Тошҳовуз кўмиб ташланган эди. «Абдулҳолиқ Ғиждувоний» ҳиссадорлик жамияти ана шу тош ҳовузни қайта қаздиришни ва унинг атрофини таъмирлаб, ободонлаштиришни ўз зиммасига олди ва дастлабки ишни ҳовузни қаздиришдан бошлади.

— Бундай ҳовуздан Ғиждувонда 3 та бўлган экан, — дейди таъмирлаш ишида бош-қош бўлаётган уста Жума Ражабов. — Қаранг, аждодларимиз қўли теккан ғиштлар ер остида ҳам ўз жозибасини сақлаб турибди. Ҳовузни таъмирдан сўнг кўрсангиз, бунга ўзингиз ҳам яна бир бор амин бўласиз.

Ҳовузнинг қибла томонида ҳазрат ва оналарининг қабрлари жой олган. Унинг ўнг томонида эса ҳашаматли масжид қад кўтаряпти. Мирзо Улуғбек бино қилган мадрасада ҳам таъмирлаш ишлари қизғин.

— Янги қурилаётган масжидни Уста Ширин Муродов номидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш корхонаси жамоаси бунёд этмоқда, — дейди туман бош меъмори Шуҳрат Жалолов. — Мадраса ва ҳазрат даҳмаларини эса шаҳрисабзлик ва навоийлик усталар таъмирлашга киришди.

Қайси уста, қурувчи билан гаплашманг, ўз ишидан мамнунлигини кўрасиз. Фарзандлик бурчи, аждодларимиз олдидаги қарздорлик уларни янада шижоат билан ишлашга ундаётганини таъкидлашади. Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий шоҳ кўчалари, Сўфи Чўян ёдгорлиги, Ибн Сино хиёбони қурилишидаги ғайрат-шижоатни кўрган кишининг қалби яйрайди.

Туман ҳокими Толиб Қудратовнинг сўзларидан, тўғриси, бу ердаги ишлар бир дам бўлсин сусаймаётганини, аксинча тез орада юртимизнинг яна бир гўзал гўшаси меҳмонлару бу ерга ташриф буюрувчиларни хушнуд этажагини пайқадик.

— Ҳали бажарадиган ишларимиз талайгина, — дейди ҳоким. — Гарчи қурилишлар салмоғи кўзга ташланиб қолган бўлса-да, булар маънавий тадбирларимизнинг бир қисмигина холос. Автошоҳбекат, Пермаст рудини таъмирлаш каби юмушлар, бобомиз ҳаёти билан боғлиқ қадамжоларни ободонлаштириш борасида кўп ишларни амалга оширишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, Ғиждувондан отаётган ҳар бир тонг катта тўй олдидан барча тадоригу саъй-ҳаракатлар ўзининг ҳал қилувчи палласига яқинлашаётганидан гувоҳлик бермоқда.

**Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

## XORIJDA

### УЧРАШУВ ЯНА БЕКОР ҚИЛИНДИ

Маълумки, июлнинг бошларида, аниқроғи, 9 июлда Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббос билан Исроил бош вазири Ариэл Шарон ўртасидаги учрашув бекор қилинган эди. Ўшанда Исроилнинг Ғарбий соҳил билан чегарадош Кфар-Явец ҳудудидаги турар жой биносида Фаластиннинг «Ислом жиҳоди» экстремистик гуруҳи аъзоси томонидан содир этилган портлаш ва Фаластиндаги ФАТХ ҳаракатининг «ички инқирози» учрашув қолдирилишига сабаб бўлган эди. Бу сафар эса...

Гап шундаки, Исроил маъмурияти Ариэл Шарон билан Маҳмуд Аббос ўртасида кеча бўлиб ўтиши мўлжалланган учрашувни бекор қилди. Бунга сабаб: Ар-Гило аҳоли пункти яқинида исроилликлар кетаётган машинага якшанба куни фаластин жангарилари томонидан уюштирилган ҳужумдир. Ўшанда 4 киши жароҳатланган. Бироқ бу учрашув қолдирилишига етарли асос бўлолмаслигини Фаластин томони эътироф этмоқда, дейилади Ha'aretz газетаси хабарида. Айнан Фаластин маҳбусларини қамоқдан озод этиш масаласи учрашув қолдирилишига сабаб бўлиши мумкин холос, демоқда.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Исроил полицияси 600 километрлик «муҳофаза девори» қурилишига норозилик билдирган намойишчилардан 47 кишини қамоққа олди. BBC News хабарига кўра, улар фаластинликлар ва чет эл фуқароларидир. Полиция вакилининг айтишича, қамоққа олинган ажнабийлар мамлакатдан чиқариб юборилади.

Дарвоқе, норозилик намойиши иштирокчиларини қамоққа олиш айнан Вашингтон девор қурилишини «жазолаш» мақсадида Исроил ҳукуматига ажратилаётган кредитни қисқартириш мумкинлиги ҳақидаги овозалар тарқалган куннинг эртасига содир бўлди.

Ҳақиқатан ҳам АҚШ конгресси Исроилга ажратилаётган кредит суммаси қисқартирилишини маъқуллади. Негаки, Исроил бу маблағни девор қурилишига сарфламоқда.

Маълумки, мартдаги келишувга кўра, кредит ҳажми 9 миллиард долларни ташкил этади. Ва яна Исроилга 1 миллиард долларлик ҳарбий ёрдам бериш кўзда тутилган эди.

### МЕҲМОНХОНАДА ПОРТЛАШ



Ўтган ҳафтада дунёнинг учта нуқтасида учта портлаш террорчилар томонидан содир этилган эди. Бу ҳафтанинг сешанбасида яна портлаш юз берди. Бу сафар Индонезиянинг пойтахти Жакартадаги Marriott меҳмонхонасида. Натижада 13 киши ҳаётдан кўз юмди, 149 киши эса турли даражада тан жароҳати олди. Қурбон бўлганларнинг бири Голландия фуқароси, 2 нафари Америка фуқароси, 10 нафари эса Янги Зеландиянинг Fonterra компанияси ходими.

Индонезия полициясининг Associated Press агентлигига хабар беришича, портлаш меҳмонхонанинг 1-қаватида террорчи-камикадзе томонидан содир этилган.

Ҳозирча буни бирор-бир экстремистик гуруҳ ўз бўйнига олгани йўқ.

Тергов-суриштирув жараёнлари олиб борилмоқда.

### 9 КИШИНИ «ОФТОБ УРДИ»

Испанияда беш кундан бери қуёш қизигандан-қизимоқда. Айниқса, душанба куни ҳарорат Испания тарихида биринчи марта 57 даражагача кўтарилди. Испания миллий радиосининг хабар қилишича, 9 киши «иссиқ уриши»дан вафот этди. 30 киши оғир аҳволда шифохоналарга ётқизилди.

Об-ҳавони кузатиш маркази мутахассислари ҳарорат бу ҳафта ҳам тушмаслигини айтишмоқда.

Кузатишларга қараганда, Африкадан ва Шарқдан кириб келган иссиқ ҳаво оқими Испаниянинг барча ҳудудлари бўйлаб «ўрнашиб олган».

**Internet хабарлари асосида Юридик институти IV курс талабаси Илҳом ДУШАЕВ тайёрлади.**

---

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВ — ЎЗАК ТАРМОҚ РИВОЖИГА КАФОЛАТ

## ЁКИ «ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТАЖРИБАСИДАН

**Мамлакат иқтисодиёти тараққиётида хусусийлаштирилган корхоналарнинг корпоратив тизимини ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, хусусий сектор равнақини жадаллаштириш ва уни рағбатлантириш эндиликда замон тақозосига айланиб қолди. Юртбошимиз ҳали 1996 йилдаёқ «Ўзак тармоқларни ривожлантириш — Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг энг асосий шартидир» деб таъкидлаганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январда қабул қилинган «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида уюшмалар, холдинглар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва хўжалик бирлашмаларининг ўз таркибига кирувчи корхоналарнинг тезкор фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш алоҳида кўрсатиб ўтилди. Бу — корхоналарга иқтисодий эркинлик бериш йўлидаги сиёсатнинг ёрқин далилидир.**

**«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Айни пайтда компания корхоналар молиявий фаолиятини яхшилашга қаратилган ягона стратегик йўлни амалга ошириш учун ишончли бошқарувга топширилган акциялар пакетлари орқали давлат номидан акциядорлик жамиятларини корпоратив идора қилишда фаол иштирок этиб келяпти. Мақсад: акциялар эгаси — давлат ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймаслик, содир этилган қонунбузарлик ҳолатларига дарҳол барҳам бериш.**

**Компания бошқаруви раиси Эркин АКРАМОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.**

— Аввалам бор, шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, —сўз бошлади Эркин Маҳкамович, — мазкур жараёнда компания корхоналарнинг тезкор, яъни кундалик фаолиятига аралашаётгани йўқ, балки Кузатув кенгашлари ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишларида фаол қатнашаётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги **«Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонини бажариш ҳамда корпоратив бошқарув тамойилларининг янада татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Дастлаб мутахассисларимиз атрофлича ўрганиб, унинг талабларини ҳаётга татбиқ этиш йўлларини белгилаб олишди.

Масалан, компания таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгашларининг мажлислари ва акциядорларнинг умумий йиғилишлари бўйича йиғма график тузилди. Йиғма график Юртбошимизнинг шу йил 13 февралдаги фармойишида белгилаб қўйилган муддатларга мувофиқ тарзда тайёрланиб, маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат мулк қўмитасига юборилди. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуасининг ижроси йўлида акциядорлик жамиятлари раҳбарлари ва ижрочи ходимлари иштирокида семинар-кенгашлар ўтказилди.

Жамиятларнинг низом жамғармалари инвентаризациядан ўтказилди. Унинг натижаларига кўра акциядорлик жамиятининг низом жамғармасини Фармон талабларига мувофиқ ҳолга келтириш (камида 50 минг АҚШ доллари эквивалентига тенглаштириш) ёки бошқа турдаги ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўтиш таклиф этилди.

**— Фармоннинг моҳиятидан келиб чиқаётган вазифалар ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам... Шунингдек, акциядорлар умумий йиғилишларининг қандай ўтиши тўғрисида...**

— Йиғилишларда Кузатув кенгашлари фаолиятига танқидий баҳо берилди. Барча акциядорлик жамиятларидаги бундай кенгашлар қайта сайланди. Бунда ижроия органида ишлаб турган ёки директорлик корпусига бевосита тобе шахслар Кузатув кенгаши таркибига кириб қолмаслигига алоҳида эътибор қаратилди. Уларда ижроия органларнинг 2002 йилдаги иш якунлари бўйича ҳисоботлари; акцияларга тўланадиган дивидендлар кўриб чиқилди, тасдиқланди. 2003 йил бизнес-режалари муҳокама этилиб, қабул қилинди. Хусусан, ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтириб юборгани, молиявий аҳволни ёмонлаштириб, йиллик бизнес-режанинг (тасдиқланган ўлчамлари бажарилишини) барбод қилганлиги учун «Ғозғонмармар», «Хожейли-гербиш», «Бекободцемтаъмир», «Карбонат» сингари акциядорлик жамиятлари раҳбарлари ўз вазифаларидан озод этилди, «Оҳангаронлинпласт» ва «Тошкент ТМЗ»да янги раҳбарлар сайланди. Айни пайтда мазкур йиғилишлар якунларига кўра, (корпоратив бошқарувдаги ишончли бошқарувчилар иштирокида) «Қизилқумцемент», «Қувасойцемент», «Қашқадарёмармар», «Кварц» ва «Олмалиқғишт» акциядорлик жамиятлари ишлари ижобий баҳоланди.

**— Компанияга қарашли корхоналар эришган натижалар ҳамда кичик ҳамда ўрта бизнес субъектларидаги ўзгаришлар тўғрисида ҳам...**

— 2002 йилда харажат қисқартирилди. 10,8 млрд. сўм ҳажмида соф фойда олинди. Бу кўрсаткич 2001 йилги фойдага нисбатан 176,3 фоизни ташкил этади. Кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 13479,5 млн. сўм бўлди. Умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 139825,9 млн. сўмга етди. Демак, КЎБ (кичик ва ўрта бизнес) улуши 9,6 фоизга (2002 йил прогнозида 9,1 фоиз эди) тўғри келди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллий хомашё ресурслари ҳисобига ва материаллар, буюмлар, эҳтиёт қисмлар ҳамда ускуналарни тайёрлашга буюртмаларни жойлаштириш йўли билан импорт хомашё бўйича 748,6 млн сўмлик, эҳтиёт қисмлар бўйича эса 1,02 млрд. сўмлик харажат камайтирилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий ҳажми ўсиши қиёсий нархларда аввалги йилнинг худди шу давридагига нисбатан 111,8 фоизни, халқ истеъмоли моллари бўйича эса 112 фоизни ташкил этди.

**— Компаниянинг кўргазма ва ярмаркалардаги иштироки ва хорижий фирмалар билан алоқалари қай даражада?**

— 2002 йилда компаниямиз корхоналари кўргазмалар ва ярмаркаларда фаол иштирок этишди. «Қурилиш» деб номланган 3-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси, Умумжаҳон Сифат кунига бағишланган кўргазма, халқ истеъмоли молларининг улгуржи савдоси бўйича республика ярмаркаси шулар жумласидан. Биргина республика ярмаркасида маҳсулот етказиб бериш юзасидан 11356,4 млн. сўмлик шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик корпуслар, хорижий етакчи фирмалар ва қўшма корхоналарнинг вакиллари иштирокида «Қизилқумцемент» ва «Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамиятларида мазкур корхоналарни якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш жараёнида акциялар пакетини сотиш бўйича халқаро тендер ташкил этиш муносабати билан чет эл инвесторларини жалб қилиш мақсадида тақдимот маросимлари ўтказилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 6,1 млрд. сўм миқдорида соф фойда олинди. Бу кўрсаткич 2002 йилнинг худди шу даврида олинган фойдага нисбатан 166,6 фоизни ташкил этади. Айниқса, 74,6 млрд. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилганлиги ҳам диққатга молик, деб ўйлайман. Бу амалдаги нархларда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 131,0 фоиз демакдир. 23,2 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Ёки жорий йилнинг биринчи ярмида 7,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Бу ҳам соҳада ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 132 фоизни ташкил этади.

**— Корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш борасида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— Ҳозир корпоратив бошқарув тамойилларини ҳаётга кенгроқ татбиқ этиш йўлида барча акциядорлик жамиятлари бўйича Кузатув кенгашлари иш режа-графиклари тузилган. Уларнинг аъзолари ўртасида вазифалар тақсимлаб чиқилди, Акциядорлик жамиятлари ярим йиллик иш якунлари ва бизнес-режаларнинг бажарилиши юзасидан ижроия органи раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, улар фаолиятини янада яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди. Акциядорларни корпоратив бошқарувга жалб этиш учун уларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишларини ўтказиш муддатлари ҳам аниқлаб олинди.

**Суҳбатдошлар:
Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

**Тақдимот**

«Ўзбектелефильм» студиясида суратга олинган «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари» номли 5 қисмли бадиий фильмнинг тақдимот маросими ўтказилди. Унда кино санъатининг вакиллари, муаллиф ва томошабинлар иштирокида фильмнинг ғоявий-бадиий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ушбу асарнинг алоҳида ютуқларига тўхталадиган бўлсак, ун-

## ЗУМРАДНИНГ ЯНГИ «ЭРТАГИ»

даги бирламчи хусусият сифатида эртакнинг бугунги ёш томошабин диди ва талабига мослаб қўшимча образ ва янгича талқинлар билан бойитилганини тилга олиш мумкин. Бундан ташқари, кичкинтойларнинг «Зумрад ва Қиммат» эртагидан фарқли ўлароқ, фильм сюжетида эзгулик йўлидаги курашлар ҳаётий деталлар воситасида янада қизиқарли ва ишонарли ифодасини топган. Саҳналаштирувчи режиссёр Мелс Абзалов, сценарий муаллифи Раъно Солиҳова ҳамда яна бир қанча ўзбек актёрлари томонидан яратилган мазкур фильм йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Бир сўз билан айтганда, янги бадиий фильм нафақат болалар, балки катта ёшдаги томошабинни ҳам ўзига жалб қиларли даражада мазмундор ва ранг-баранг бўлиб, у ўзбек кинематографиясининг ютуғи сифатида экранларимизнинг севимли «меҳмони» бўлиб қолса ажабмас.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ**

# ЁШЛАР СПОРТ МАЖМУАСИ

## НАМАНГАН ШАҲАР МАРКАЗИДА БАРПО ЭТИЛИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Шу йил 23 май куни юртбошимиз вилоятга ташрифлари чоғида қурилиши жадал бораётган мажмуада бўлиб, қимматли маслаҳатлар, аниқ тавсиялар бергандилар. Шундан сўнг қурилишда туб бурилиш бошланди. Юртбошимиз тавсиялари асосида йирик, замонавий мажмуа бунёд бўлди.

Унинг таркибида муҳташам, 3000 томошабинга мўлжалланган амфитеатр, аквопарк, япон боғи, спорт зали, мини стадион, теннис, баскетбол билан шуғулланиш мумкин бўлган майдонлар бор. Наманганда илк бор бовлинг ўйинлари учун бежирим ва ҳашамдор клуб ҳам мажмуадан муносиб жой олди. Сузиш ҳавзаларида шу куниёқ болажонлар яйрашди. Бадиий гимнастика учун етарли даражада жиҳозлар келтирилди. Бундан ташқари, мажмуада музқаймоқ дўконлари, қаҳвахоналар, кафе ва барлар иш бошлади.

Мажмуа туфайли Амир Темур кўчаси кенгайди. Йўл бўйидаги «Пахтасаноат» вилоят бирлашмаси идораси, мактаб ва аҳоли уйлари таъмирланди, мажмуага уйғун тарзда ободонлаштирилди.

Мажмуа кўп сонли меҳнат жамоаларининг, тадбиркор ва ишбилармон ҳамюртларнинг, айниқса, вилоят ҳокимлигининг доимий эътибори туфайли тез ва сифатли қурилди. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов 10-Наманган қурилиш бошқармаси, «Ижтимоийқурилиш», «Агросаноатқурилиш», «Таълимқурилиш» каби жамоа аъзоларига миннатдорчилик билдирди. Президентимизнинг баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги йўл-йўриқларидан келиб чиқиб «Ёшлар спорт мажмуи»ни болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ихтиёрига берилишини маълум қилди. Шавкатжон Қўчқоров, Абдужаббор Абдуғаффоров, Одилжон Қодиров, Зокиржон Отабоев, Муҳаммаджон Аҳмедов, Шуҳрат Жабборов, Абдуқодир Собиров каби меъмор, қурувчи ва йўлсозлар, ҳайдовчилар номи маросим чоғида алоҳида қайд этилди.




Мажмуанинг очилиш тантанаси яна бир хурсандчиликка вилоят ғаллакорлари эришган муваффақиятларни шарафлаш маросимига уланди. Ғалла хирмонига катта ҳисса қўшган Учқўрғон туманига «Damas», Норин ва Тўрақўрғон туманларига «Matiz» автомобиль машиналари мукофот сифатида берилди. Мавсумда энг кўп ғалла ўрган Наманган тумани машина-трактор парки комбайнчиси Маҳмуджон Иномовга «Matiz» енгил машинасининг калити топширилди.

**Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**






**Суратларда:** «Ёшлар спорт мажмуаси».

*Пўлатжон АКБАРОВ олган суратлар*

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ

Замоннинг тартиб-қоидаларига кўникиш, замонасоз бўлишга даъват этувчи бу мақолнинг қуйидаги вариантлари ҳам бор: «Замон сенга созлик қилмаса, Сен замонга созлик қил»; «Замон сенга бўйин қўймаса, Сен замонга бўйин қўй»; «Ел қаёққа эсса, елкан шу ёққа сузади»; «Шамол қаёққа эсса, бошоқ шу ёққа эгилади»; «Шамол қаёққа эсса, қамиш шу ёққа эгилади»; «Сув қаёққа оқса, тош ҳам шу ёққа оқади»; «Замонанг қандай бўлса, бўркингни шундай кий» (бўрк — қалпоқ, бош кийими); «Замонанг тулки бўлса, сен тозиси бўл» (Тулки ҳар қанча айёр, эпчил, чапдаст бўлмасин, барибир този (овчиларнинг ўргатилган ити) уни овлай олади. Мазкур мақол билан: «Замон ҳамиша бирдай туравермайди, тобора ўсаверади, мураккаблашаверади. Шундай экан, сен ҳам ўз билиминг, ҳунаринг билан чегараланиб қолмай, олға томон интилавер, билимингга билим, ҳунарингга ҳунар қўшавер, шундагина замонга бас кела оласан, замондан ортда қолсанг, ўзингга қийин бўлади», деймоқчи. «Замон — ёмон эмас, замонга боқмаган — ёмон».

### Замон сени ўқитар, таёқ билан сўқитар, сабоғингни билмасанг, дўконда бўз тўқитар

Мазмуни: «Жоҳиллик билан ўқимай, ҳунар ўрганмай, ишга бўйин эгмай, ялло қилиб юраман, деганинг билан замоннинг ўзи, тирикчиликнинг ўзи бунга йўл қўймайди, сени ўқишга ҳам, ҳунар ўрганишга ҳам, ишлашга ҳам мажбур қилиб қўяди», деймоқчи.

### Замонани хўрлайдилар, ўтиб кетгач — мақтайдилар

Баъзи одамлар бўладики, улар ўзлари яшаб турган замондан нолийдилар, унинг арзимаган камчиликларини деб, бутун бир афзалликларини ҳам кўзга илмайдилар, қадрига етмайдилар. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» дегандай, орадан йиллар ўтиб, замон ўзгарганидан кейин ҳам бироз қийинчиликка дуч келганларида: «Хўв анави замон — хўп замон эдида», деб илгари ёмонлаган замонларини мақтайдилар. Юқоридаги гап шундай ношукур одамларга нисбатан киноя тарзида айтилади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA’DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug’ani MAMASODIQOV (Mas’ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO‘CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma`murjon QIYOMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O‘zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo‘mitasida 00004-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 762
7731 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

**Бир хат изидан**

# МУСИҚА МАКТАБИДАГИ МУҲИТ

## КИШИНИ УЙГА ТОЛДИРАДИ, САНЪАТ ҲАҚИДА АЙТИЛГАН ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРНИ ЁДГА СОЛАДИ, КЎНГИЛДА АЧИНИШ СЕЗАСАН

Мусиқа илоҳий куч. Мумтоз қўшиқ, ўктам, ширали овоз — юракларни жўш урдирувчи танбур ноласи... Бу мўъжиза қай бир қалбни ҳаяжонга солмаган, қай кўзлар нам тортмаган... Халқимиз шинаванда, санъатсевар. Шу боис, юртимизда санъаткорлар мухлислар эътиборида, ардоғида. «Театр, саҳна — пирхонадир, агар саҳнадан ташқаридаги ҳаётда, маҳалла, кўча-кўйда бироз ноўрин ҳаракат қилсак, бир-биримизни ғийбат қилсак, бу биринчи галда саҳнага — пирхонага хиёнат қилиш билан баробар», — деган эди таниқли ҳофиз Расул қори.

Бироқ, худди шу машҳур хофиз юртида, унинг номи билан аталадиган муқаддас даргоҳ — Расул қори Мамадалиев номли болалар мусиқа мактабида кейинги пайтларда рўй бераётган можаро-машмашаларнинг гувоҳи бўлган одам «наҳотки, бувайдаликлар устоз-қўшиқчи ўгитларини ёддан чиқарган бўлсалар?» дея, ўйланиб қолиши табиий.

«Ўзбекистон овози» газетасига шу мусиқа мактабининг 6 нафар ўқитувчиси ва собиқ хўжалик мудири номидан келган шикоят хати бўйича журналист текшируви ўтказиб, натижалар тўғрисида таҳририят раҳбарига маълумот бердим. Аммо мақола ёзишни ортга сурдим. Журналистикада тажрибаси бор кишилар яхши билади, ҳар бир текширув ортидан албатта мақола ёзиш шарт эмас. Чунки баъзан идора, корхонадаги келишмовчилик, шикоят ёзилишига сабаб бўлган тўқнашув маълум муддат давомида бартараф бўлади, томонлар ўзаро келишади, адолат қай йўсиндадир қарор топади. Бундай шароитда мақола билан чиқиш, бир томоннинг тарафини олиб, бошқасига дакки бериш ўчаётган оловга мой сепиш билан баробар...

Афсуски, мактабдаги келишмовчиликнинг давом этаётгани қўлга қалам олишга, холис фикр билдиришга мажбур қилди.

Мусиқа мактаби Бувайдада анча йиллардан буён фаолият кўрсатади. Шикоят муаллифларидан бири Содиқжон Сиддиқов узоқ йиллардан бери мактабда директор бўлиб ишлаган. Ёши улуғлигига қарамай ҳамон мурғак ҳаваскор мусиқачиларни санъатнинг гўзал оламига етаклаш, истеъдодларни тарбиялаш билан машғул. У кишининг рафиқаси Рисолат опа (дарвоқе, шикоятчилардан бири) ҳам, ўғиллари ҳам шу даргоҳда меҳнат қилишади. Хуллас, домланинг мусиқа мактабига меҳнати кўп сингган.

«Биз кекса санъат фидоийлари, — деб ёзади шикоятчилар. — Ҳаётдаги айрим нохуш, қонунсиз ҳолатларни кўриб (мусиқа мактаби назарда тутиляпти) ранжимоқдамиз. Бизнинг раҳбариятга нисбатан шахсий адоватимиз йўқ. Ишлар қонун талаб қилган даражада амалга оширилса хурсанд бўламиз. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун биз кексалар ҳамда ўз соҳасининг устаси бўлган ўқитувчилар бир неча бор юқори ташкилотларга мурожаат қилдик. Аммо натижа биз ўйлагандек бўлмади...»

Хўш, фахрийлар ва ўқитувчиларни нима безовта қилаяпти? Мактаб директори А.Сулаймонов ва жамоанинг кўпчилик қисми бир томон, 7-8 нафар ўқитувчи бир томон бўлиб нимани талашмоқдалар?

«А.Сулаймонов кадрларга нисбатан қонунсиз ишлар қила бошлади. И.Алимов, Б.Турсунов, Қ. Турсуновалар унинг тазйиқи билан ишдан кетишди», дейилади шикоятда. Маълум бўлишича, улар Қўқон санъат коллежига ўқитувчи бўлиб ўтиб кетишган.

— Ўғлим И.Алимов бу ерда ишлаганда 15 фоиз қўшимча ҳақни тўлашмади, — дейди кекса ўқитувчи Т.Алимов. — «Ўғлингиз бу ердан коллежга кетиши керак», — деган мусиқа мактабининг раҳбари А. Сулаймонов. — Лекин, сабабини айтмаган. Ўғлим ариза ёзиб кетди. Ҳозирги иши яхши, маоши бу ердагидан ортиқ. Бу мактабда муҳит яхши эмас. Ходимларга икки хил қараш, айирмачилик бор.

Аммо юқорида номлари келтирилган ўқитувчиларга тазйиқ қай йўсинда бўлди? Жамоа касаба уюшмалари нега директордан уларни ҳимоя қилмади ва ниҳоят уларнинг ўзлари бу хусусда нега керакли жойларга арз қилмадилар, деган саволларга эса жавоб топа олмадик.

Шикоят хатида, шунингдек, А.Сулаймоновнинг молиявий ишларда ҳам қинғирликлар қилаётгани айтилган. Чунончи мусиқа мактаби «Ш.Қодирова» фирмасидан «Белорус» русумли фортепиано сотиб олган. Хатда бу фотепиано асл нархидан анча қимматга олинган, деган даъво бор эди. Бироқ, Фарғона вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси, кейинчалик Бувайда тумани прокуратураси бу ҳолатни синчиклаб ўрганиб, фортепиано харидида қонунбузилиш йўқ, деган хулосага келган.

«Мусиқа мактабига тегишли вилиончел қаёққадир гумдон бўлди», деган гумон юзасидан текшириш ўтказилганда бу мусиқа асбоби омборда тургани аниқланди. Ёки бўлмаса ҳайъат столи устига ёпиладиган узун газмол йўқлиги хусусидаги даъво текширилганда газмол мактабда эканлиги кўрсатилди.

Лекин шунга қарамай, «ёзди-ёзди» давом этаверди.

А.Сулаймоновнинг хотини Санобар Сулаймонова асли вокалист, лекин, мактабда умумий фортепиано ва анъанавий қўшиқдан дарс беради. «Бу нотўғри», — дейди ўқитувчи М.Матисоқова. Бироқ, С.Сулаймонова Тошкент Давлат консерваториясини тугатган мутахассислар фикрича, дарс беришга ҳақли.

Кишини шикоятда ёзилган гап-сўзлардан кўра мусиқа мактабидаги муҳит кўпроқ ўйга толдиради. Болаларга маданиятни, санъатни ўргатадиган, нафосат, самимият улашадиган ўқитувчиларга шу хатти-ҳаракатлар ярашадими?

Қўлимизда жамоанинг 29 нафар аъзоси қўл қўйган мурожаат турибди. Унда шикоятбозликка чек қўйиш, мактабда соғлом муҳит яратишга ёрдам бериш сўралган.

Ахир қарс икки қўлдан чиқади-ку. Аҳилликни ҳеч ким четдан келиб ўрнатиб беролмайди. Муҳит мукаммал бўлиши учун энг аввало жамоа аъзоларининг ўзаро хайрихоҳлиги, бир-бирига кўмаги, қолаверса, бир-бирига нисбатан кечиримли бўлиши тақозо этилади. Бир-бирига тош отишдан ҳали ҳеч ким ютган эмас. Маълумки, мактабда уч-тўрт ўқитувчига қандайдир сабабларга кўра 15 фоизли қўшимча ҳақ ўз вақтида берилмаган. Кимдир ўзига дарс соати оз берилганидан нолийди. Бошқалари иш вақтида ҳамкасблари тўйига борган, кимлардир буни текшириб акт тузган... Директор кимгадир ўзини яқин тутади, кимдандир ўзини олиб қочади...

Гап кўп, даъво кўп. Бир кичкина жамоа ўз оиласидаги келишмовчиликни бартараф этолмаяпти. Раҳбар раҳбар бўлиб ўз ходимлари билан тил топиша олмаяпти...

Мактабдаги ғалвалар қолиб, хаёлга бу ерда таҳсил олаётган болалар келади. Кўлтиғига дуторни қистириб, мусиқа мактаби томон ошиқаётган болакай кўз ўнгимга келади. Унинг қалби эзгу орзулар, гўзал туйғуларга тўла. Зеро, гимнастика инсон қаддини ростлаганидек, мусиқа ҳам инсон қалбига эзгулик уруғини қадайди, деган эди донишмандлардан бири. Мусиқа мактаби ана шундай поклик, ҳалоллик, ростгўйлик, чинакам инсоний муносабатлар жўш урган нафосат масканидир. Бувайдалик Расул қори, Эрка қори, Ғойиб ота, Муҳиддин Дарвешов сингари буюк санъаткорлар давомчилари етишаётган даргоҳ ўзига муносиб бўлиши керак эмасми?..

**Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Интер-спорт**

### Льюис Кличко билан учрашишдан бош тортди



Украиналик боксчи Виталий Кличконинг агенти Клаус-Петернинг хабар беришича, оғир вазнли жаҳон чемпиони Леннокс Льюис Кличко билан реванш жангини ўтказишдан бош тортган. Бу учрашув эса шу йилнинг 6 декабрида ўтказилиши мўлжалланган эди. Июнь ойи охирида Льюисдан енгилган Кличко эса бундай хабардан ғазабга келмоқда: «Мен ҳайронман. Агар шу гап рост бўлса, буни қандай тушуниш керак? Боиси, ўша жангда қош-қовоғимдан жароҳатланганимда, Лос-Анжелес ва германиялик шифокорлар менинг ҳолатимни ўрганиб, шу йил охирларида яна жанг ўтказишим мумкинлиги ҳақида хулосага келган эдилар. Льюис эса ўзига хос «каромат» кўрсатди».

### Истаган футболчини сотиб олмоқчи

Чукотка губернатори Роман Абрамович июль ойи бошида Англиянинг «Челси» клубини катта маблағга сотиб олган эди. Энди у мазкур жамоа таркибини мустаҳкамлаш ниятида. «Челси»нинг муваффақиятини таъминлаш учун ҳар қандай футболчига маблағ сарфлашга тайёрман», — дейди Роман Абрамович. Ҳозирча «Челси»га ўтган тўрт футболчига 37 миллион фунт стерлинг сарфланди. «Манчестер Юнайтед»дан Хуан Себастьян рози бўлса, 15 миллион берилиши мумкин экан.

**Футбол**

### Иккинчи давра ўйинлари бошланди

Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионати олий лига жамоалари ўртасида ҳал қилувчи давра ўйинлари бошланди. 16-тур учрашувларидан кейин кучли олтиликни ташкил этиб турган жамоалар мавқеида бироз ўзгариш юз берди. Хусусан, пахтакорчилар сафарда «Дўстлик» жамоаси дарвозасига 6 та тўп киритиб, 1 та ўтказиб юбордилар. Бу йирик ғалаба «Пахтакор»нинг 44 очко билан яна биринчи ўринга кўтарилишига имкон берди. Пешқадам «Нефтчи» эса сафарда — «Навбаҳор» майдонида дарвозасидан жавобсиз иккита тўп ўтказиб юборди. «Қизилқум» ҳам сафарда «Металлург» жамоасини доғда (2:1) қолдириб, очколарини 35 тага етказди. Навбаҳорчилар 26 очко билан 5-ўринга кўтарилишди. Шунингдек, ҳал қилувчи давра бошида «Бухоро», «Андижон», «Самарқанд», «Машъал», «Цемент»чи жамоалари ҳам ўз ҳисобларига 3 тадан очко ёзишди.

«Дон-нон»

Очиқ акциядорлик жамиятининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2003 йил 14 сентябрда М.Улуғбек тумани, Гёте кўчаси 50-уйда, соат 10.00 да ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарори ва ушбу қарорни бажариш бўйича турган вазифалар билан жамият акциядорларини таништириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарорига асосан.
2. Жамият Кузатув кенгаши Низомини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг ижро этувчи орган раҳбарларини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.
4. Тафтиш комиссияси аъзоларини ёллаш.
5. Акциядорлик жамиятини мулк шаклини ўзгартириб, масъулияти чекланган жамиятга айлантириб, фаолият юритишини тасдиқлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ акциядорлари диққатига!!!

*«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ Кузатув кенгаши 2003 йил 2 сентябрь соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уйда «Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари 6-умумий йиғилиши бўлиб ўтишини, акциядорлар реестри 2003 йил 20 август ҳолатига ёпилишини маълум қилади.*

*Кун тартиби қуйидагича:*

1. «Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 41а-уй манзилидаги маъмурий бинони сотиш масаласи.
2. Бошқа масалалар.

*Маълумот учун телефонлар:*
*132-20-56, 34-06-26.*
*«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ Кузатув кенгаши.*

Сурхондарё вилоят банк тизими жамоаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви аъзоси, ходимлар билан ишлаш департаменти директори

**Абдувоҳид МАМАДАЛИЕВнинг**

бевақт вафоти туфайли марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.